

Эркакни аёлга айлантириш ва аксинча қилиш ҳақида

05:00 / 19.01.2017 1150

Аллоҳнинг Ўзига ҳамдлар бўлсин!

Ортларидан набий йўқ зотга солавоатлар бўлсин!

Ислом Фикҳи Академияси Маккаи Мукаррамада, Робитанинг биносидида, 1409 ҳ.с. 13 - 20 Ражаб (1989 йил, 19 - 26 феврал) кунлари бўлиб ўтган ўн биринчи мажлисида эркакни аёлга айлантириш ва аксинча қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Муноқаша ва фикр алмашувлардан кейин Ислом Фикҳи Академияси бир овоздан қуйидаги қарорларни қабул қилди:

Биринчи: эркаклик ва аёллик аъзолари тўлиқ бўлган шахсларни бир жинсдан иккинчи жинсга айлантириш мумкин эмас. Бундай ишни қилишга урунишнинг ўзи уқубатга лойиқ жинойятдир. Чунки, бу Аллоҳ яратган нарсани ўзгартишга урунишдир. Аллоҳ таоло Қуръонда шайтоннинг гапини нақл қилиб «уларга амр қилсам, Аллоҳнинг яратганини ўзгартирарлар» деган (Нисо сураси, 119 - оят).

تاصم ان لاول او تامش وتسنم لاول او تامش اول اول ان عل ((: لاق دوع سنم نب هل لادب ع ن
ة أرم لك د ع لب ف : لاق هل لاق ل خ ت اري عم ل ان س خ ل ل ت ا ج ل ف ت م ل او ت اص م ن ت م ل او
ث ي د ح ام : ت ل ا ق ف ة ت ت أف ن ا ر ق ل ا ر ق ت ت ن أك و ب و ق ع ي م : اهل ل ا ق ي د س أ ي ن ب ن م
ت ا ج ل ف ت م ل او ت اص م ن ت م ل او ت اص م ن ت م ل او ت اص م ن ت م ل او ت اص م ن ت م ل او ت اص م ن ت م ل او
هل ل اول و س ر ر ع ل ن م ن ع ل ال ال ي ل ام و : هل ل ا د ب ع ل ا ق ف هل ل ا ق ل خ ت ا ر ي عم ل ل ان س خ ل ل
م ل س م ه ا و ر .)). هل ل ا ب ا ت ك ي ف و و و

Саҳиҳи Муслимда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аллоҳ ҳусн учун вашм қилувчи аёлларни, вашм қилдирувчи аёлларни, мўйчинак ила терувчи аёлларни, мўйчинак ила тердирувчи аёлларни ва

тиш орасини очувчиларни, Аллоҳнинг яратганини ўзгартувчиларни лаънатласин», деди.

Бу гап Бани Асадлик, Қуръон қироат қиладиган Умму Яъқуб исмли аёлга етди. У келиб бу ҳақда сўради. Бас, У:

«Нима учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам лаънатлаган кимсани лаънатламас эканман. Ҳолбуки, бу Аллоҳнинг китобида бор», деди».

Иккинчи: Бирор шахсда аёллик ва эркаклик аломатлари жамланиб қолса, унинг ғолиб тарафига қаралади.

Кимда эркаклик ғолиб бўлса, уни тиббий йўл ила даволаб эркаклигига етган шубҳани йўқотиш жоиз бўлади.

Кимда аёллик ғолиб бўлса, уни тиббий йўл ила даволаб аёллигига етган шубҳани йўқотиш жоиз бўлади.

Бу даволаш жарроҳлик йўли билан ёки гармонлар билан бўлса ҳам, бари бир. Бу нарса беморликдир. Беморликни эса даволаш лозим. Бу даволашдир ва Аллоҳнинг яратганини ўзгартиш доирасига кирмайдир.



Муаллиф

islom.uz